2019 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (13.871)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Юртимизда кечаётган шиддатли ислоҳотлар, халқимиз эзгу мақсад-муддаоларини ўзида акс эттирган мисли кўрилмаган ўзгаришлар бой маънавий илдизларимизга таянади. Маънавиятимиз асосларини эса буюк шоир ва мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоийнинг бебаҳо меросидан айро тасаввур этиб бўлмайди.

ДУНЁ ЭЪТИБОРИ ВА ЭЪТИРОФИДАГИ МЕРОС

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жаҳон эътироф этган аллома бобомиз таваллудининг 578 йиллиги кенг нишонланмоқда. 9 февраль – беназир шоир туғилган куни муносабати билан Алишер Навоий номи билан юритилувчи Ўзбекистон Миллий боғида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Боғ ҳудуди эрта тонгданоқ адабиёт мухлислари, сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат тузилмалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шоир-ёзувчилар, адабиёт фидойилари, шеърият мухлислари, устозлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Дилнавоз Юсупова ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизга кўрсатилаётган эътибор бой илмий, маънавий меросимизни ўрганиш, уни тарғиб этиш, қадимий манбаларни мукаммал тадқиқ этган ҳолда нашр эттириш, ижод аҳлига ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатиш каби эзгу ишларда ўз амалий ифодасини топаётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар Алишер Навоий асарларини ўрганиш, унинг бебаҳо меросидан ёш авлодни юксак маънавиятли, теран тафаккурли, юксак ижодий-интеллектуал салоҳият соҳиби этиб камолга етказишдек эзгу ишларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Юртимизда илм-фан, адабиёт аҳлига яратилаётган кенг шароитлар Навоий каби буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодига оид янги топилган тарихий манбаларни ўрганишнинг янада кўпроқ истиқболларини очмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли, яхши қўшничилик, дўстона алоқаларнинг кенг йўлга қўйилгани қадимий манбаларни излаш, улардан фойдаланишга оид имкониятларни кенгайтирмоқда. Жаҳон эътибори ва эътирофидаги аллома Алишер Навоий ижодига оид манба ва қўлёзмаларни тадқиқ этишда бу янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Буюк Британия музейи қўлёзмалар фонди раҳбари, профессор Майкл Жеймс Эрдман, Тожикистон Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Имоми Содиқ Ашурбойзода Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ва эзгуликка йўғрилган ижоди асрлар оша дунё адабиёт мухлислари эътиборида бўлиб келаётгани, шоир асарлари дунёнинг бир неча тилларига қайта ва қайта таржима этилиб, мукаммал ўрганилаётганини таъкидлади. Бобомизнинг Британия музейида сақланаётган қўлёзма асарлари ва уларни ўрганиш, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ривожланиб бораётган маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлик, бу борада Абдурраҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодий меросининг ўрни ва аҳамиятига оид маърузалар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Зеро, Навоий улуғлаган ижтимоий адолат, одамлар оғирини енгил қилиш, ҳаёт фаровонлигини юксалтириш, илғор янгиликларга интилишга оид эзгу ғоялар бугунги кунда ҳаётимизнинг мазмуни, ислоҳотларнинг пировард мақсад-муддаосига айлангани эътиборга моликдир.

Термиз шаҳрида ташкил этилган Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг 2-курс талабалари Асадулло Азизий, Раъно Шерзод Навоий ғазалларидан намуналар айтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёш шоир Жўрабек Жаҳон "Алишер Навоий ҳайкали пойида" номли шеърини ўқиди. "Ниҳол" мукофоти совриндори Шарофиддин Муродов шоир бобомиз ғазали билан куйланувчи "Гулизорим" қўшиғини ижро этди. Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Абдувахитов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги шоир ҳайкали қад ростлаб турган хиёбонда ёшлар, шеърият мухлислари иштирокида мушоира бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, навоийшунос олим Ҳамидулла Болтабоев буюк шоир бобомизнинг ижодиёти одамийликнинг мангу сабоғи эканини таъкидлади.

Навоий ижодининг инсон камолоти, юксак маънавиятли шахс тарбиясидаги ўрни хусусида, бебаҳо мерос барча ижодкорлар каби ёш шоирларнинг илк қадамида ҳам муҳим илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётгани хусусида атрофлича сўз юритилди. Мутафаккир ғазал ва рубоийлари, ёш шоирларнинг ижодидан намуналар янгради.

Бу каби тадбирлар, шеърият ва адабиёт, маънавият байрамлари юртимизнинг барча ҳудудлари, кутубхоналар, таълим масканлари, маҳаллалар, идора ва ташкилотларда бўлиб ўтмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатдики, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ишларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги, давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг самарасизлиги, идораларо мустаҳкам ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, интеллектуал мулк соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек, патент божлари ва тўловларининг юқори даражада эканлиги ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ушбу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилиш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. **Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилсин** ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) этиб қайта номлансин.

Белгилансинки:

Агентлик, шу жумладан, Интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, **молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда** ўтказилади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари – директор бошчилик қилади;

Агентлик директорининг ўринбосарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. **2019 йил 1 мартдан шундай тартиб ўрнатилсинки**, унга мувофиқ:

товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топширилгандан сўнг, Агентлик бир иш куни мобайнида ушбу талабномалар ҳақидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради;

ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ёки уларнинг вакиллари талабномалар эълон қилингандан сўнг Агентликка рўйхатдан ўтказиш учун ноҳалол топширилган аризалар ҳақидаги ёзма эътирозларини тақдим этишлари мумкин;

товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлоқ ҳуқуқ, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи (кейинги ўринларда – товар белгиси) ўша куннинг ўзида товар белгиси ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтида мажбурий тарзда жойлаштирган ҳолда Товар белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вужудга келади;

товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўнгги уч йил мобайнида узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек, жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган **суд қарори асосида муддатидан аввал тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.**

(Давоми 2-бетда)

ИНСОНИЯТГА ЎРНАК БЎЛУВЧИ РАҲНАМО

Алишер Навоий Шарқ ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида, айниқса, туркийзабон халқлар маданий-маънавий ҳаёти ривожида алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахсдир.

Қуйидагилар бунинг далилидир. Биринчидан, у ўзининг инсонпарвар ғоялари, бадиий-фалсафий қарашлари, ўлмас шеърияти билан инсоният тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир. Унинг адабий мероси ғоят улкан ва серқирра.

Иккинчидан, Алишер Навоий бутун дунё кўз ўнгида туркий – ўзбек тилининг бой имкониятларини кўрсатиб, унинг араб ё форс тилидан ҳеч бир қолишмайдиган ниҳоятда гўзал тил эканини исботлаб бера олган буюк тилшунос олимдир.

Учинчидан, Алишер Навоий – буюк адабиётшунос олим. У Шарқ шеъриятининг муаммо, қасида каби XV асрга келиб деярли унут бўлаёзган жанрларини тиклашга алоҳида эътибор бериб, нафақат туркий адабиёт, балки форсий адабиёт ривожига ҳам бениҳоя улкан ҳисса қўшди.

Тўртинчидан, Алишер Навоий бутун онгли ҳаётини туркий халқлар нуфузини, миллий ғурур ва миллий ўзига хослигини қайта тиклашга сарфлаган буюк ватанпарвардир. Алишер Навоий туфайли дунё халқлари туркона маданият ва маънавиятга алоҳида эҳтиром кўрсата бошлаган. Ҳазрат Навоий бутун ҳаётини ўз халқининг илм-фани ва санъатини ривожлантиришга, мамлакат равнақи, халқ ва миллатнинг тинч ва тотув яшашига ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишлади. Султон Ҳусайн Бойқаро ул зотни бежиз "мамлакат устуни, давлат таянчи" деб айтмаган.

Алишер Навоийдаги бағрикенглик, одиллик, донолик, сиёсатдонлик, фуқароларга ғамхўрлик фазилатлари Бойқарога давлатни адолатли бошқаришда яқиндан ёрдам берган. Шунинг учун ҳам Ҳусайн Бойқаро уни дўст сифатида бениҳоя улуғлаган ва қадрлаган. Ҳар қандай шароитда ҳам уни ёнидан узоқлаштирмасликка ҳаракат қилган. Уларнинг дўстлиги давлатни мустаҳкамлаш, юртда адолат ўрнатиш, тил, маданият, санъат, илм-фанни ривожлантириш билан бирга, мамлакатнинг мудофаа қудрати, халқаро обрў-эътиборини оширишга хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда)

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Осиё тараққиёт банки делегацияси вакиллари ўртасида мамлакатимизда таълим сифатини ошириш бўйича ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган учрашувда халқ таълими вазири Шерзод Шерматов Ўзбекистонда таълим тизимининг барча босқичларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан тубдан янгилаш, бунда эътибор ота-оналар, педагогик жамоа, ёшлар манфаатларини қатъий инобатга олишдек мақсадларга қаратилганини таъкидлади.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида юртимиз халқ таълими соҳасида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги маърифий лойиҳалар дарсликларни нашр этиш, соҳага илғор ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва бошқа йўналишларни қамраб олган эди.

ОТБнинг ижтимоий сектор бўйича катта мутахассиси Шин Лонг бошчилигидаги делегация аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда мазкур тузилма Ўзбекистон билан 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури бўйича иш олиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари атрофлича муҳокама этилди.

Учрашув давомида ОТБ мутахассислари давлат таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари билан танишди. Шунингдек, мактаблар инфратузилмасини, жумладан, "Замонавий мактаб" дастури доирасида ўқитишни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг билими ва ўқитувчиларнинг малакасини баҳолаш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқилди.

Айни пайтда халқ таълими тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда STEAM (фан, технология, муҳандислик, санъат ва математика) фанларини ўқитишни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учрашув сўнггида ОТБ ва бошқа халқаро ҳамкорларнинг молиявий кўмагида амалга ошириладиган қўшма лойиҳаларни тайёрлаш юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Ўзбекистон Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўлинмаси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали ва Термиз ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган "Аждодлар ёди абадий" номли адабий-маърифий тадбир ўтказилди. Алишер Навоий таваллудининг 578 ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллигига бағишланган тадбирда шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, Ўзбекистон Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўлинмаси ҳарбий хизматчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилояти шаҳар ва туманларидаги Халқ қабулхоналарига 12 та "Cobalt" русумли хизмат автомашиналари топширилди. Халқ қабулхоналарининг хизмат автомобиллари билан таъминланиши, улар фаолияти самарадорлигини янада оширишга, айниқса, чекка қишлоқларга бориш ва у ерда истиқомат қилаётган юртдошларимиз муаммоларини ҳал қилиш имкониятини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади.

• Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Аҳмадий Шаҳобиддин" чорвачилик фермер хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари, илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда фермер хўжаликлари раҳбарлари, партия фаоллари, ёшлар иштирок этди.

• Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси олимлари "инновацион омоч" деб номланган янги плуг яратишди. Бу мавжудларига насбатан фойдаланиш харажатларини 51 ёнилғи сарфини 28 фоизга камайтиради ва иш унумдорлигини 21-25 фоиз оширади.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳрида ҳаракатланаётган автобус ҳайдовчиси уловни бошқара олмай қолганлиги сабабли йўловчи транспорти йўл чеккасидаги оқава суви келиб тушадиган ҳовузга тушиб кетган. Натижада 6 киши жароҳатланиб, зудлик билан касалхонага ётқизилган. Қутқарувчилар тез ва соз ишлаб, бир соат давомида барча жабрланувчиларни хавфсиз жойга чиқариб олишди.

• Африкада БМТга тегишли вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган.

• Италиянинг Сардиния ороли фермерлари сутнинг харид нархи пасайтириб юборилганлиги муносабати билан норозилик намойишига чиқдилар. Улар флягалардаги сутларни кўчаларга тўкиб юборган ҳолда маҳаллий "Кальяри" футбол жамоасининг "Милан" билан ўтказиладиган ўйинига халал беришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб **товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномаларни фақат электрон шаклда** давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар лойиҳаларини киритсин.

5. **Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси"** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб патент вакиллари ҳар беш йилда камида бир марта кейинчалик аттестациядан ўтказилган ҳолда интеллектуал мулк соҳасида ўз малакаларини оширишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда илғор таълим стандартлари ва технологиялари ҳамда **Тошкент давлат юридик университетининг ўқув ва илмий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда** интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги "Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5446-сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига **"хуфиёна иқтисодиёт" шаклланиши ҳолатларини аниқлаш, яширин ишлаб чиқариш, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўйиш функциялари юкланган.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ҳаммага маълум товар белгиларининг ноҳалол рўйхатдан ўтказилишини аниқлаш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган барча товар белгиларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва қонун талаблари бузилган ҳолда берилган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш чораларини кўрсин;

интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин.

8. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар қуйидагиларни таъминловчи **интеллектуал мулк объектларининг ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базасини** ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

ҳуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлган интеллектуал мулк объектларини реал вақт режимида кузатиб бориш;

интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлганда уларни автоматик равишда тегишлича Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш ва чиқариш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини, шу жумладан, **Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш халқаро индекси** мезонларини инобатга олган ҳолда таъминлашнинг замонавий баҳолаш ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш бўйича Комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2020 йил 1 январдан бошлаб интеллектуал мулк соҳасидаги интеграция жараёнини инобатга олган ҳолда патент божлари ва тўловларини, шунингдек, норезидентлардан товар белгиси ва саноат намунасининг ҳуқуқий муҳофазасини бериш учун ундириладиган индивидуал бож ставкаларини босқичма-босқич камайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Агентликнинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, шунингдек, ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 февраль

Юнусобод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-348-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги 1865-сонли, ҳалқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 70/11-1-сонли қарорларига мувофиқ ҳамда Юнусобод тумани Молия бўлимининг 2018 йил 27 декабрдаги НТ/579-1-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарори ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорга мувофиқ, қуйидагилар:

Юнусобод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқлардан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2019 йил учун айланма касса маблағларнинг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Юнусобод туман маҳаллий бюджетнинг 2019 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

– даромадлар жами – 249 423 625,0 минг сўм;

– харажатлар жами – 249 423 625,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлимига 2019 молия йили давомида:

– туман маҳаллий бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритиш туман молия бўлими тақдимномасига кўра туман ҳокимининг қарори асосида амалга оширилсин.

5. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yunusobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Туман ҳокимининг 2018 йил 8 январдаги "Юнусобод туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 40-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Файзуллаходжаев зиммасига юклансин.

Юнусобод тумани ҳокими
Р.Усманов

2018 йил 28 декабрь

ИНСОНИЯТГА ЎРНАК БЎЛУВЧИ РАҲНАМО

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳазрат Навоий, гарчи, ҳаёти мазмунини ижод қилишда деб билса ҳам, давлат ва халқ манфаатини ўйлаб, эл-юрт осойишталиги йўлида дўсти ёнида туриб, муҳим давлат ишларини бажарди. Алишер Навоий амири кабир – бош вазир сифатида узоқ йиллар давлат бошқарувининг энг муҳим ва нозик бўғинларида, суд-адлия, ички ишлар, солиқ тизими, ташқи дипломатик алоқалар, ички низолар, чегара муаммолари, умумхалқ йиғинлари ва тадбирларида давлат ва халқ манфаатини уйғунлаштирди, ҳимоя қилди. Ҳазрат Навоий давлат хизматини мансаб ва обрў учун эмас, балки миллат қадриятларини тиклаш ва бутун дунёга тан олдиришдек улкан вазифани амалга ошириш учун бир имконият, восита, деб билди.

Алишер Навоий наинки туркий халқларга, балки бутун башариятга тааллуқли мутафаккир шоир. Унинг асарлари фақат бир миллат учун ёзилган эмас. Уларда тилга олинган ҳар бир муаммо ва уни бартараф этиш ғоялари бутун инсониятга дахлдордир.

Британия кутубхонаси Алишер Навоий шеъриятини ўз ичига олган 30 дан зиёд қўлёзмага эга. Мазкур йирик тадбир ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ўрнатилган ҳамкорлик биз учун ўзаро шериклик дастуридаги дастлабки муҳим қадамдир. Биз биргаликда улуғ даҳо қолдирган бой поэтик мерос ва Марказий Осиёга оид ранг-баранг қўлёзмаларини тўплаш анъанаси орқали унинг мазмун-моҳиятидан бутун дунёни баҳраманд эта оламиз.

Охир-оқибат, Алишер Навоий мисолида биз бу хайрли ишга йўл очдик. Донишмандлик ва нафосатга йўғрилган шеърияти, ҳаётий фаолиятида Алишер Навоий бизга, умуман, бутун инсониятга ўрнак раҳнамо, адолатли жамиятга интилувчилар учун машъал бўлувчи ақл-заковат соҳибидир.

Майкл ЖЕЙМС ЭРДМАН,
Буюк Британия музейи
қўлёзмалар фонди раҳбари,
профессор

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилди. Аҳоли билан учрашувлар тумандаги барча маҳаллаларни қамраб олди.

Ана шундай мулоқотлардан бири Миробод туманида жойлашган 110-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Унга тумандаги "Мингўрик" Ш.Рашидов, "Афросиёб", Ат-Термизий, "Фаровон", "Лолазор", "Салор", "Мовароуннаҳр", Ойбек, А.Авлоний номли маҳалла фуқаролари йиғини раислари, корхона ва ташкилотлар, ўрта ва кичик бизнес вакиллари, ХУЖМШ раҳбарлари таклиф этилди. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП, ЎзЛиДеП, "Адолат" СДП, "Миллий тикланиш" ДПдан сайланган туман Кенгаши депутатлари иштирок этдилар.

Учрашувларда асосий эътибор Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламентга Мурожаати, мамлакатни барча соҳаларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалдаги тадбирлар ҳамда вазифалар ижросига қаратилди.

Очиқ ошкора тарзда ўтган мулоқотларда аҳоли томонидан билдирилган мурожаатлар ечими бўйича зарур чоралар белгилаб олинди.

Миробод тумани ҳокимлиги
Матбуот хизмати

Ўзбекистонда жадал иқтисодий ислоҳотлар кечмоқда. Бу жараённинг муваффақиятини соҳага инновацион тенденциялар жорий этилиши, креатив ғояларнинг амалдаги татбиғи билан изоҳлаш тўғри бўлади. Албатта, иқтисоднинг ривожланиши аҳоли бандлигини таъминлаш, демак турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида ҳам аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш мақсади мужассам.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ҲАМ ФАОЛ БЎЛИШИ КЕРАК

Президентимизнинг 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжатга биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари ташкил этилди. Бу жамғармалар қишлоқларда доимий иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун республиканинг тижорат банкларида кредит линиялари очишга ёрдам беради. Ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айниқса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналар фаолиятини йўлга қўяди.

Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан ҳар ойда тушадиган 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар жамғармалар маблағларини шакллантирувчи манбалардан бири этиб белгиланган.

Қарор қабул қилинади, бироқ унинг ижроси таъминланмаса ёки юзаки ёндашилса асл мақсадга эришиб бўлмаслигини яхши биламиз. Шу маънода ҳудудлардаги айрим раҳбарларимиз сусткашликка йўл қўяётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Қайси вилоятда аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси баланд бўлса, ўша ҳудудда белгиланган вазифалар ўта сусткашлик билан ижро этилаётганини кузатиш мумкин. Фикримизни мисол билан давом эттирамиз. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарган бўлса-да, шу пайтга қадар қарорда белгиланган мавжуд тушумлардан 40 фоизли маблағ ҳудудий жамғармаларга ҳозиргача тўлиқ ўтказиб берилмаган. Вазият қай ҳолатда эканлигини янада аниқроқ тасаввур қилиш учун "ўжар" рақамларга мурожаат қиламиз.

Шу кунгача ўтказилиши керак бўлган 40 фоизли маблағдан энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳри (0,2 фоиз), Сурхондарё вилояти (0,6 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилояти (1,5 фоиздан) улушига тўғри келади. Андижон вилоятида эса ҳеч қандай иш қилинмаган. Ваҳоланки, 2018 йилда бу вилоят маҳаллий бюджет даромадларининг прогноз кўрсаткичидан ошириб бажарилган қиймати 4 триллион 607 миллиард сўмдан ортиқдир.

Маълумотларга қараганда, фақатгина Бухоро (22,3 фоиз) ва Навоий (16,3 фоиз) вилоятларида ушбу жамғармага тушган маблағлар ҳисобидан қўшимча 6,5 минг ва 3,4 минг доимий янги иш ўрни ташкил қилинган. Натижада бу вилоятларда ёш йигит-қизларимиз, хориждан ва ҳарбий хизматдан қайтган фуқаролар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва кўп болали аёллар иш билан таъминланган.

Тўғри, ҳудудий жамғармаларнинг маблағларини шакллантиришда бошқа манбалар ҳам кўрсатилган. Бироқ улар орасида маҳаллий ҳокимликлар улуши асосий ва салмоқли ўринни эгаллайди. Масаланинг муҳим томони шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли бандлиги даражасини янада ошириш ва муносиб иш ўринлари сонини сезиларли даражада кўпайтириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ҳокимликларнинг ана шундай сусткашлиги тўсиқ бўлмоқда. Вазият бу тарзда давом этса, аҳоли даромадлари, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини қониқарли оширишга қачон эришамиз? Балки шу каби омиллар ҳам айрим жойларда аҳолининг иш излаб кетаётгани, турли солиқ ва коммунал тўловларнинг ўз вақтида тўланмай қолишига сабаб бўлаётгандир.

Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келган. Маҳаллий ҳокимликлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, шу асосда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларда янги иш ўринлари ташкил этишга тижорат банклари томонидан ажратилаётган микрокредитларнинг манзиллилигини таъминлашни кучайтириши лозим. Биринчи навбатда, кам таъминланган оила аъзоларини якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлик соҳасига, касаначиликка, қишлоқ жойларда эса шахсий томорқа хўжаликлари асосида иқтисодий фаолликка жалб этишга қаратилган тадбирлар ва механизмлар ишлаб чиқилиши керак бўлади. Жорий йил мамлакатимизда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" дея номлангани бежиз эмас. Зеро, бу йилда тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш, янги иш ўринлари, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинади.

Ижтимоий ривожлантириш масалалари, албатта, аҳоли бандлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, даромадлар турмуш даражаси ошишига олиб келади. Ишсизликни камайтириш, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиш борасидаги бир қатор масалалар Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ўз аксини топди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу масалаларда жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳам фаоллик кўрсатмаса, кўзланган мақсадга эриша олмаймиз.

Халқ манфаати йўлида қабул қилинаётган давлат қарорларини амалга татбиқ этиш, уларни жамият ҳаётига олиб кириш ва ижросини тизимли равишда таъминлаш учун ҳар бир мутасадди ташкилот ўз масъулиятини тўлиқ ҳис қилиши лозим.

Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазири ўринбосари

Чилонзор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-241-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарори, халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги "Чилонзор туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 82/13/1-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармасининг 2018 йил 27 декабрдаги 02-4-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли, халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги "Чилонзор туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 82/13/1-сонли қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Чилонзор туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетнинг 2019 йил даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

Давлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Чилонзор туман молия бўлимига ўрнатилган тартибда маҳаллий бюджетга маблағлар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) олишда, уларнинг миқдорлари бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушушидан, шунингдек, иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Туман молия бўлимига Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармасининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг даромад ва харажат қисмига ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

5. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида эълон қилинсин ва www.chilonzor.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Каримов зиммасига юклатилсин.

Чилонзор тумани ҳокими
С.Махаметов

2019 йил 4 январь

Бугунги кунда мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш борасида мутлақо янгича тизим ишлаб чиқилиб, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фармон ва ижро

ФАРОВОН ОИЛА – ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ АСОСИ

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда пойтахтимизда "Фаровон оила – жамият равнақининг асоси" мавзуида ўтказилган брифингда ҳам шу ҳақда сўз борди. Брифинг давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармони қабул қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан ташкил этилди.

Тадбирда жорий йилнинг 25 январдан 5 февралга қадар "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар Бош бошқармаси томонидан олиб борилган тарғибот ишлари ва амалга оширилган вазифалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Бугунги кунда бошқарма томонидан шаҳримиздаги мавжуд барча туманлардаги "Оила" ИАТ марказлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Соғлом оила – соғлом жамият", "Замонавий намунали оила", "Оила жамият ва давлат ҳимоясида", "Фаровон оила – жамият равнақининг асоси" концептуал ғоясини кенг тарғиб этиш мақсадида маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона-ташкилотларда тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

– Оилаларнинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги йўлида дастуруламал ишлар амалга оширилб келинмоқда, – дейди "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар Бош бошқармаси раҳбари Шоҳида Шомуталова биз билан суҳбатда. – Бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, оила фаровонлигини ошириш, манфаатларини ҳимоялашга муносиб ва фаол ҳисса қўшиб келмоқдамиз. Чунки, оила муқаддаслиги, эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат, комил фарзанд тарбияси бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Аммо, шу эзгу ишлар билан биргаликда оилада маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва соғломлаштиришда самарали механизмларни яратишга тўсқинлик қилаётган омиллар мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Бинобарин, оила мавзусидаги тадқиқотлар етарли эмас, борлари ҳам ҳаётий воқеаликдан узилиб қолган. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ёшларнинг оила қуришида зарур ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий, психологик, жинсий, ахлоқий билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги уларнинг ҳаётга тайёр эмаслиги ва рўзғор юритишда уқувсизлиги сезилиб қолмоқда. Оилаларнинг мустаҳкамлиги йўлида жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳатликда иш олиб боршимиз жоиз. Яна олий таълим муассасаларида, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда ҳам оила соҳасига оид фанларни кўпроқ киритишса яхши бўлар эди, деган фикрни илгари сурмоқчиман. Тўғри, оила асосларига оид бир қанча фанлар ҳам мавжуд. Лекин, таълим муассасаларидаги ўқув дастурларида оилавий сабоқларни қамраб олувчи соҳага оид алоҳида фан йўқ. Ёшларни оилага тайёрлаш, қайнонакелин, эр-хотин, оила бюджети, репродуктив саломатлик, оилаларда сақланиб келинаётган миллий ва умуминсоний анъаналар ва уларни асраш каби мавзулар киритилмаган...

Дарҳақиқат, оила жамиятнинг асосий бир бўғини ҳисобланади. Унинг осойишталигини таъминлашда ҳамма баробар. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ташаббуси билан ўтган йили Шайхонтоҳур туманида ташкил этилган "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби" ҳам ёшларни оилавий ҳаётда учрайдиган муаммолар ҳамда уларнинг конструктив бартараф этиш йўллари, оилавий низолар, соғлом турмуш тарзи, аёл ва эркак психологияси, намунали оилани шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни каби бир қанча долзарб вазифаларни ўз ичига қамраб олган ҳолда тингловчиларга сабоқ бермоқда.

Мазкур мактаб мустаҳкам ва намунали оилалар кўпайишига сезиларли даражада ҳисса қўшишига шубҳамиз йўқ. Аммо, шу билан бирга оилани муқаддаслигини ёшларга сингдирувчи, уни асраб-авайлаш лозимлигинии уқтирувчи ва доимий равишда таълим муассасаларида ўтказилиб борилишини таъминловчи дарс соатларини кўпайтириш ва оила мавзусидаги китобларни дарслик ҳолида нашрга тайёрлаш, махсус фан ўқитувчиларини ўқитиш учун олий таълим даргоҳларида соҳага доир факультетлари ташкил этилиши чинданам мақсадга мувофиқ бўлар эди...

Зеро, оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни янада мустаҳкамлаш, оилавий ажримларнинг ва турли низоларнинг олдини олиш, қайнона-келин муносабатларини яхшилаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларнинг ҳуқуқий, тиббий, маънавий-маърифий, писихологик, жинсий, ахлоқий билим ва кўникмаларини янада оширишда махсус дарслик ва сабоқлар муҳим аҳамият касб этади.

Гулнигор САТТОРОВА

"101"

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар бепарволик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, ёш болаларга эътибор бермаслик, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзага келаётганлигини кўрсатади.

Билиб туриб ўзи ва мол-мулкини хатарга қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади.

Шунинг учун биз Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари барчангизни эътиборли бўлишингизни сўраймиз.

Даврон МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант

* * *

Халқ мулки, турар-жойини ёнғин офатидан асрашда тарғиботнинг ўрни муҳим.

Бундан кўзланган асосий мақсад ёнғинга қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олишга кенг аҳолини жалб этишдан иборатдир. Зеро, "тилсиз ёв" билан курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Аҳолига эса, ўз уйларида ёнғинларнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларни яна бир бор эслатиб ўтамиз: очиқ алангадан фойдаланганда эҳтиёт чораларини кўринг; электр билан ишлайдиган анжомларнинг соз эканлигини мунтазам тарзда назорат қилиб туринг; қўлбола ва носоз иситиш мосламаларидан асло фойдаланманг; электр симларини уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг.

Ҳаёт НОЗИМОВ,
ЁХБ инспектори, катта лейтенант

* * *

Биламизки ёнғин хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, албатта моддий зарар кўрилади. Ёнингиздаги қўшни хонадон гувиллаб ёнадию сизнинг уйингизга ўтиб кетмайди, деб ким кафолат беради.

Ҳаётда содир бўладиган дахшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғиндир. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам ундан тўғри фойдаланишни билмайди.

Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир. Ўз умримиз, жонимизни барбод айлаб, молу давлатимизни кули кўкка етишига йўл қўймалик.

Отабек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ЎзМТРК ДУК "Медиамаркази" ЁХБ инспектори, капитан

* * *

Кўп ҳолларда ёнғинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Мана шу бепарволигимиз оқибатида эса кўплаб нохушликлар келиб чиқади.

Шу ўринда ёнғиннинг моҳиятига назар солмоқчимиз. Хўш ёнғин ўзи нима? Ёнғин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташланиши билан бирга кечувчи, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир.

Кўриниб турибдики, халқ мулкини "тилсиз ёв"дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Абдулла НАБИЕВ,
Яккасарой тумани ЁХБ бошлиғининг профилактика бўйича ўринбосари, лейтенант

* * *

Ишлаб чиқариш корхоналарида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнатига салбий таъсир кўрсатади, давлат мулкига зиён етказади. Ана шу зарарни қоплаш учун қанча иш куни, қанча вақт ва меҳнат сарф бўлишини ўйлаб кўришнинг ўзи ҳам хушёрликка чорлайди.

Уй-жойларни тўғри лойиҳалаш, монтаж ишлари, электр жиҳозларидан, газ ва иситиш мосламаларидан оқилона фойдаланиш, жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асосий омиллардан биридир. Унутманг: ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш билан саломатлигингиз ва мулкингизни асраган бўласиз. Бунинг учун бепарволикка йўл қўймаслик керак.

Сирожиддин БАЙТЕРЕКОВ,
"Тошкент ИЭС" ЁХБ ЁНПГ катта инспектори

* * *

Ёнғин офатининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва юзага келган ёнғинни бартараф этиш инсонларнинг қўлидан келадиган ишдир.

Бунинг учун асосийси ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, бу борада мутахассислар маслаҳатига амал қилиш лозим. Хулоса ўрнида айтиш жоизки ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга доимо эътибор қаратиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, ўз ва яқинлари ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўлади.

Тоир ТОШПЎЛАТОВ,
ЎзМТРК ДУК "Медиамаркази" ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Хабарлар

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Аввал хабар берилганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда "Талабалар шаҳарчаси" ҳудудларида улкан ободонлаштириш ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугун шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган бу каби бунёдкорлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Қурилиш ишларидан аҳоли ва талабалар мамнун.

— Аввал пиёдалар йўлаклари нотекис, таъмирталаб эди. Ҳатто машиналар учун махсус турарғоҳлар ҳам бўлмаган. Бугун барча талабалар шаҳарчамизда бўлаётган бу каби ишлардан жуда ҳам мамнунмиз. Бунинг учун тиним билмай меҳнат қилаётган масъулларга ва ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, — дейди университет талабаси Шаҳзода Абдуллаева.

Маълумот учун, айтиш керакки, таъмирлаш ишларига қурувчилар куннинг иккинчи қисмида жалб қилинган бўлиб, майдоннинг марказида Абу Райҳон Беруний нинг ҳайкали ўрнатилиши кўзда тутилган.

ТИРБАНДЛИКЛАР КЕСКИН КАМАЯДИ

Тошкент шаҳар Транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаменти ҳамда ИИББ ЙҲХБ таклифига мувофиқ, Юнусобод тумани Амир Темур шоҳ кўчасида қўшимча қайрилиб олиш жойи очилди.

Ушбу жой Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб, Осиё кўчаси томондан ҳаракатланишда Алишер Навоий кўчаси кесишмасига етмасдан 90 метр масофада жойлашган. Янги қайрилиб олиш жойининг очилиши, Амир Темур – Алишер Навоий кўчалари кесишмасида аввал мавжуд бўлган тирбандликларни қисман камайтириш имконини беради.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН ҲАМ КАДАСТР ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛМОҚДА

Давлат хизматлари марказларида ер участкаси ва бино-иншоотга бўлган ҳуқуқларни ҳамда ипотека, бино ва иншоотлар, шунингдек, ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш хизмати шу пайтгача фақат юридик шахсларга кўрсатиб келинган.

Энди ҳукуматнинг тегишли қарори билан Давлат хизматлари марказларида кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳамда ипотека, бино ва иншоотлар, шунингдек, ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш хизмати жисмоний шахслар учун ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, мазкур хизматга аризани масофадан туриб, онлайн тарзда юбориш имконияти яратилган.

ТОШКЕНТДА БИР ҲАФТАДА 3 МИНГДАН ЗИЁД ҚЎПОЛ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг хабарига кўра, ўтган ҳафта давомида шаҳар кўчаларида жами 17905 та маъмурий баённома расмийлаштирилган. Шундан 3376 тасида қўпол қоидабузарликлар, 1906 маротаба одам ташиш қоидаларини бузиш, 67 тасида ҳайдовчилар транспорт воситасини маст ҳолда бошқариши қайд этилган.

Шунингдек, 267 та ҳолатда транспорт воситасини тегишли ҳужжатларсиз бошқариш, 23 та ҳолатда йўл-патруль хизмати инспекторининг қонуний талабларини бажармаслик, 6359 тасида ҳайдовчилар транспорт воситасини ҳавфсизлик камарини тақмасдан, 45 тасида ҳайдовчилар тегишли рухсатномасиз транспорт воситасининг ён ойналарини қорайтирган ҳолда бошқариши ҳолатлари аниқланган.

ЕТТИ КУНДА 3,7 МЛРД. СЎМ ЖАРИМА УНДИРДИ

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ҳамкорликда МИБ иш юритувидаги ижро ҳужжатларининг қарздорликлари ундируви бўйича қўшма рейд-тадбир ўтказмоқда. 2019 йил 30 январдан бошланган тадбирнинг 7 кунида жами бўлиб ундирилган жарималар миқдори 3 713 370 355 сўмни ташкил этмоқда. Жами 12 401 нафар қоидабузарлар аниқланган.

Шундан таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳар ҳайдовчиларининг бошқа вилоятларда содир этган ҳуқуқбузарликлари бўйича 6 967 нафар ёки 2 116 697 716 сўм жарималар ундирилди.

Бюронинг Тошкент шаҳар иш юритувидаги ижро ҳужжатлари бўйича пойтахтнинг 20 та марказий кўчаларида ЙҲХБнинг патруль хизмат автомобилларида ўрнатилган автоматик мослама ёрдамида 7 кунда 5 345 та қоидабузарлардан 1 797 744 176 сўм жарималар ундирилган.

Шунингдек, 60 та автотранспорт воситалари эса жарима майдончаларига жойлаштирилди. Шундан Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қидирувда бўлган 15 та автотранспорт воситаси ҳам аниқланди.

Тадбирлар

КИТОБ – БИЛИМ ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицей ўқувчиларининг китоб дўконлари, муқаддас қадамжолар ва музейларга саёҳат қилиши анъанага айланиб бормоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар уларнинг билим олиши билан бирга, аждодларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбияланишида, зукко китобхон, бугунги фаровон ҳаётнинг қадрига етадиган комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда таълим муассасаси ўқувчиларининг пойтахтимиздаги "Шарқ зиёкори" китоб дўконига саёҳати уюштирилди. Уларнинг қайсидир бир ўзига ёққан китобни танласа, иккинчиси, шеригига бошқасини тавсия этар, яна бири қўлидаги ажиб муқовали китобни варақласа бошқаси севган шоирининг шеърини топиб, шерикларига ўқиб бермоққа ошиқарди. Ўқувчиларга ҳамроҳлик қилган ўқитувчи Вазира Тойирова ўқувчиларга ўз ёшларига мос китоблар танлашга оид тавсияларини беришда яқиндан кўмаклашди.

Китоблар оламига бўлган саёҳат ўз ниҳоясига етгач "Мутолаадан сўнг" мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Тадбирда ўқувчилар китоблар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Бундай тадбирлар ёшларнинг билим доирасини кенгайтириш билан бирга уларнинг тафаккурини ҳам теранлаштириб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Зайниддин ЎРИНБОЕВ,
РИМАЛ ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҚИЛИЧБОЗЛАР БЕЛЛАШУВЛАРИГА МАРҲАМАТ!

I OPEN CENTRAL ASIA FENCING CONFEDERATION CHAMPIONSHIP, JUNIORS & CADETS
FEBRUARY 15-17, 2019, TASHKENT

2019 йил 15-17 февраль кунлари Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик Конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар ўртасида I очиқ чемпионати бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан қиличбозлик спортига қизиқувчи барча ҳамюртларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини энг жозибадор ва сара спорт турларидан бири бўлган — қиличбозлик мусобақаларига таклиф этамиз!

Мусобақалар Тошкентдаги Гимнастика спорт саройида бўлиб ўтади ва ушбу қиличбозлик беллашувлари 15 февраль куни соат 10:00 да старт олади.

Манзил: Гимнастика спорт саройи (Юнусобод т., Корхожиота кўчаси, 2А-уй).

Яшнобод тумани ТСРЎ томонидан 2009 йил 17 февралдаги 002198-07-сонли реестр рақам билан рўйхатга олинган Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 9-уй, 105-хонадон манзилида жойлашган "SARVAT TRANS INVEST" хусусий корхонаси ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 08.02.2019 йилдаги 1-сонли қарорига мувофиқ

ТУГАТИЛАДИ

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда +99890 999-19-59 телефон орқали қабул қилинади.

"EUROASIA INSURANCE" ҚК МЧЖ СК, SAYOHAT филиалига тегишли бўлган қуйидаги 0078422, 0078424, 0078425, 0078432, 0083678, 0076738, 0076739-сонли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ислом Каримов номли Тошкент давлат техника университети томонидан 2017 йилда Муқумов Чори Зиядуллаевич номига берилган В № 897061 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"GOOD ASIAN GROUP" МЧЖ (СТИР: 302573955) устав фондининг 141 110 000,0 сўмдан 97 810 000,0 сўмга камайтирилиб, ҳозирда 43 300 000,0 сўмни ташкил этишини маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 983-57-73.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ўзчармсаноат" уюшмаси аъзоларининг 2018 йил якунлари ва 2019 йилдаги режалари тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди.
- Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида "Коррупция – тараққиёт кушандаси: унга қарши курашишда кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро, айниқса ёш авлоднинг фаол иштироки зарурдир" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.
- Ўзбекистон давлат санъат музейи ташкил топганининг 100 йиллигига бағишлаб "Сирли авангард" номли кўргазма очилди. Унда Россия ва Ўрта Осиё авангард ижодкорларининг расмлари намойишга қўйилган.
- Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали ташкил этилди.
- Тошкент шаҳри логотипини яратиш бўйича танлов ғолибининг номи эълон қилинди.
- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Назм ва наво" концерт дастури бўлиб ўтди.
- Юртимизнинг барча ҳудудларида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Эл нетиб топғай меникимиз..." деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.
- Тошкент метрополитенининг Алишер Навоий бекатида Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси, Тошкент метрополитени бошқармаси ҳамкорлигида "Навоий гулшани" деб номланган акция ўтказилди.
- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессиясида "Ёшлар иттифоқи тизимидаги бепул тўгараклар барча ёшлар учун" мавзусида мулоқот ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказида қонун ҳужжатларининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича "Адлия ахбороти" туркумида брифинг ташкил этилди.



Футбол янгиликлари

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Профессионал футбол лигаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Меморандум имзоланди.

Унга кўра, талабаларнинг футбол билан шуғулланишларига кўмак бериш, уларда миллий чемпионатимиз ва клубларимизга бўлган қизиқишни ошириш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшларнинг футбол учрашувларига ташриф буюришларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Талабалар ўртасида Суперлига клублари эмблемалари туширилган футболка, кепка ва бошқа эпикировкаларни кўпроқ тарғиб этиш йўлга қўйилади. ПФЛ олий таълим муассасаларининг ҳаваскор футбол клубларига амалий кўмак кўрсатади. Бундан ташқари, олий таълим масканларининг ҳаваскор жамоаларидаги иқтидорли ёшларни клубларга жалб этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, ПФЛ олий ўқув юрти талабалари, академик лицей, коллеж ўқувчилари ўртасида футбол мусобақалари, футзал, аёллар футболи бўйича турнирларни юқори савияда ўтказишни режалаштирмоқда.

ДАНИЯЛИКЛАР ПАХТАКОРЧИЛАР БИЛАН БЕЛЛАШИШДИ

БААда ўқув-машғулот йиғини ўтказаётган "Пахтакор" назорат-ўртоқлик баҳсида майдонга тушди.

Даниянинг "Брондею" клубига қарши уюштирилган назорат-ўртоқлик баҳсида "Пахтакор" мураббийлари кўпгина ёш, иқтидорли чармтўп усталарининг жисмоний ва руҳий ҳолатини кўздан кечириши. Қизиқарли ва муросасиз кечган учрашувда данияликлар томонидан тошкентликлар дарвозасига киритилган ягона гол ўйин охиригача битталигича қолди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТЛИ ЁШЛАР КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Учтепа туманидаги 312-умумий ўрта таълим мактабида "Ёшларни касбий мотивациясида интеллектуал қобилиятни ривожлантиришни роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Саидаҳрор Ғуломов, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков, филология фанлари доктори Жамолиддин Ёқубов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари Иззатбек Режапов иштирок этишди.

Тадбирда мактабнинг педагог ходимлари ва 9-11-синф ўқувчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, фан-таълим соҳасидаги ютуқлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги С.Ғуломов "Ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилмоқчи бўлсак "ақлли оила", "ақлли тиббиёт" ва "ақлли таълим"да мия қобилияти ва хотирасини ўстириш дастурлари, чора-тадбирларини ўрганишимиз зарур", дея ўқувчиларга ўзининг тадқиқотлари ва маърузалари билан тушунчалар бериб ўтди.

Ёшларни яна изланишга, аждодларига муносиб авлод бўлишга чорлади.

Зарина РУСТАМОВА

Бугун одамлар пул топиш илинжида нималарга қўл урмаяпти, дейсиз? Айрим эркаклар ўзига ярашмаган ишлар қилиб шарманда бўлишмоқда.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Қуйидаги воқеани ўқиб, ўзингиз хулоса чиқарасиз, деган умиддамиз.

Собиржон Мамадалиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) асли андижонлик. 29 ёшда. 2015 йили Юнусобод тумани судида, 2018 йили Учтепа тумани судида иши кўрилган. Ака-ука Ботир ва Тоҳир Муҳамедовлар Тошкентда туғилган. Ораларидаги фарқ икки ёш. Ботир 28 ёшда олий маълумотли, 2012 йилда содир қилган жинояти Чилонзор судида, 2015 йилда содир қилган ўғирлик жинояти учун Миробод тумани судининг ҳукми билан жазосини олган. Унинг укаси Тоҳир 26 ёшда, талаба бўлиб, олийгоҳда ўқирди.

Гапнинг индаллоси "уччаволон" ўзаро жиноий тил бириктириб, Юнусобод туманидан бир неча квартирани ижарага олишиб, ушбу хонадонларни маълум миқдордаги пул эвазига фоҳишалик билан шуғулланиш учун Саодат, Гули ва бошқа аёлларга фойдаланишга топшириб, мўмай даромад топишни мўлжаллашган.

Мисол учун, уч азамат Юнусобод тумани 15-даҳасида жойлашган хонадонни ижарга олишиб, Гули Зайниева исмли аёлга фоҳишалик учун топширишган. Бундай ноахлоқий ишлар натижасида 2018 йил январь ойининг ўрталарида Г.Зайниевани номаълум шахслар ўлдириб кетишган.

Воқеа тафсилоти шундайки, 2018 йил январь ойининг 16 куни тунда Гули Собиржоннинг уяли телефонига қўнғироқ қилиб, мижози борлигини айтиб, йигитлардан ижара уйнинг калитини олади... Эртасига тушга яқин уччала йигит ижара уйга келиб, не кўз билан кўришсинки, ётоқхонада оёқ-қўллари боғланган Гулининг мурдасини кўришади.

Айни пайтда қотилликни содир қилган кимсаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Собиржон, Ботир ва Тоҳирлар ушбу ҳолатни аниқ билишса-да, ваколатли органларга хабар бермасдан, Гулига тегишли кийим ва шахсий буюмларни Байналмилал кўчаси бўйлаб оқиб ўтувчи каналга ташлаб юборишиб, жиноятни яширишган.

Жиноятчилар қизнинг мурдасини нима қилди, дерсиз?

Собиржон ва унинг шериклари хўжалик дўконидан чиқиндилар учун мўлжалланган целлофан пакетлар, тасма, арқон ва резина қўлқопларни сотиб олишиб, аллақаердан шлакоблок топишиб, мурдани чўкадиган ҳолга келтириб, Бўзсув каналига ташлаб юборишади. Олиб борилган тезкор тергов, суриштирув натижасида қизнинг мурдаси сувдан топилган. Суд-тиббий экспертизасининг хулосаси асосида Г.Каримованинг шахси ва ҳолати аниқланган.

Суриштирувлар натижасида С.Мамадалиев бошлиқ жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди.

Суд 2018 йил ноябрь ойида ушбу жиноят ишини кўриб чиқиб, жиноятчиларга қонуний баҳо берди. С.Мамадалиев ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, узил-кесил 6 йилга, Ботир Муҳамедов 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди. Унинг иниси Тоҳир Муҳамедовга 3 йилу 15 кун озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

Шу тариқа айни эзгу ишларни қилиш имкони бор бу йигитлар қилган жиноятлари учун жазосини олишди.

Дониёр ЖЎРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди раиси

ОСМОНДА ОЙ – ЁНИДА ҚУЁШ

Нима қилдим дунёга келиб, қандай яшаб ўтаяпман мен. Ўз кўнглимни ўзим кўтариб ўзлигимдан қочаяпман мен.

Кимга ташвиш, кимга ғам бўлдим, кимга армон сирли най бўлдим, қай кўнгилга меҳмон бўлиб мен, қай юракнинг дардини олдим. Яшаяпман балки хас мисол, шу хасчалик нафим бормикан, айтгин дунё, омонат дунё, муштдеккина ўрним бормикан.

Онам кўнглин ололмадим мен, дадамга жон бўлолмадим мен, акаларим қалқонларимга бир сингилдек меҳр бермадим, ёлғиз опам кўнгли ярималмнинг бутунига ҳам айланмадим, ғийбатларга қулоқ осмадим, кибрлардан қочавердим мен, дўстдан қочиб, душмандан қочиб юракларга боғланолмадим. Дўстим камдир, душманим кўпдир, билмам қандай яшаяпман мен, бу дунёнинг айвонларига нимам билан ярашаяпман. Ёзганларим йиғлоқи сатр, ўқиганнинг кўнгли тўлмайди, нетай борим йўғим шу ахир, бошқасига кўнглим кўнмайди.

Насиб этса, юзта ниҳолдан бир кун чоғроқ боғ яратаман, ўша боғнинг чорвоқларига даста-даста гуллар экаман. Гулни севган онам руҳлари, унда ҳар кун меҳмон бўлади. Дадажоним аршу фалакдан менга мамнун боқиб кўяди. Яна кичик ҳовуз қураман, балиқлари сузиб юради. Ҳар бир хаста бемор юракнинг дардларини улар олади. Осмонда ой, ёнида қуёш, порлаб турар шуда бир яшаш. Дилим нурга тўлиб кетади, кўзларимда жилвакор дунё, томиримда жўш уради қон, шуримда гул унар гўё. Яшаяпман, тирикман, борман шу эмасми асли бахт, рўё.

УМР БЕБАҲО БОЙЛИК

Умр нима ўзи? Кимлар учундир ноёб бебаҳо бойлик, қайтарилмас баҳор, гўзал чаман, топилмас бойлик, баъзилар учун гоҳо ортиқча юкка айланар.

Инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Йўқ, у, дарё эмас. Сузмайди, чопмайди аслида у бир жойда тураверади.

Қувончни, соғинчни, азобни ва орзуни кўрсатиб. Армон дерлар, озор дерлар, изтироб ва бахт дерлар унинг номини. Унинг номи жудаям кўп. Яхшиликка ва ёмонликка йўғрилган ҳаёт йўллари. Ҳаёт йўли, умр бешиги, ўтинчим бор, сўровим эмас. Сендан бойлик сўрамадим ёки мартаба, ҳашаматли кошоналар истамас кўнгил. Борлиғимнинг борида икки ғунча унади. Улар менинг бугуним, улар менинг эртамдир, ҳаётдаги қувончим, менинг юрар йўлимдир, ёниб турган машъалам ва мазмунли умримдир. Узоқ қилгин улар умрини, пешонаси яраклasин соф муҳаббатдан. Армон берма, дард бермагин, ёлғиз ўтинчим. Асра ўзинг гард тегмасин киприкларига, қаттиқ шамол тўзғитмасин сочларин илло. Энг мунаввар, энг мукаррам кунларингни бахш эт шуларга. Бисотимнинг бори йўғи, Ойдин, Заримга.

ҚИЗЛАРИМГА

Умрим кўрки баётимсиз, менинг ширин ҳаётимсиз, юрагимнинг бир парчаси ой қизларим, ҳаётимнинг гулғунчаси жон қизларим.

Сизсиз қандай яшар эдим бу дунёда, борлигингиз ўзи бир бахт, қувончларим. Сиз борсиз мен яшаяпман бағрим тўлиб, кўнглимдаги ғуборларни мудом ювиб, сизсиз дунё татирмиди менга кулиб, борлиғимнинг бори бўлган юлдузларим, сўзи ширин меҳридарё қундузларим.

Онамдайин сизга ҳар он суянаман, опамдайин қувончларим бўлишаман, дугонадай сирларимни сирлашаман, аммо баъзан балки сизни жуда ёмон ранжитаман, шундай дамда кулиб турар дилнурларим, юзларидан нур томилар инжуларим. Уйим кўрки фариштамсиз, сўзи ширин сариштамсиз, дилгинамга қувонч берган энг мўътабар дил риштамсиз. Борингизга шукр бўлсин, сизни Аллоҳ суйиб юрсин, йўлингизда гуллар униб, ифорлари бўйлаб турсин. Ўғлим йўқ деб ўкинмасман, ўн ўғилга алишмасман, дунёларнинг озорини мен сизларга бўлишмасман.

Дилозорлар менга бўлсин, қалбим ситамларга тўлсин, майли азоблар қийнасин, соғлигим панд берса берсин, фақатгина бир ўтинчим, юракдаги дил юпанчим қизларимга кўз тегмасин. Инжудай соф қалбларига сира дардлар туташмасин ёмон кўзлардан йироқ қил, ғаниллардан узоқроқ қил. Бахтини бекам бут қилиб ситамларга бегона қил.

Юзларидан нур ёғилсин, қадамида гуллар унсин, толейида бахт чарақлаб, кўзларида дунё кулсин. Армонларга юзлантирма, азобларга йўлиқтирма, ғийбат билан ғурбатларга уларни сира эргаштирма. Кўзларимга титраб қарар, соғлигимдан хавотирланар, айтадиган ҳар бир сўзин ўйлаб кейин секин айтар. Авайлайди улар мени, гулдай нозик ниҳолларим, сизсиз қандай яшар эдим жонимдаги жаҳонларим.

Боболари эркалатган, бувилари эртак айтган, амма, хола, тоғалари юзларидан суйиб ўпган ойдеккина ой қизларим, ширин забон жон қизларим. Сизлар менинг борлиғимсиз, боримдаги бойлигимсиз, кўксим узра уриб турган юрагимсиз, юрагимсиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Қатралар

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ҲАЙРЛИДИР

Ишончини йўқотган – қувончини йўқотган.

* * *

Бировдан тама қилиш муттаҳамлик.

* * *

Мақсад фақат манфаатдан иборат бўлмаслиги керак.

* * *

Совуқ гап вужудингни музлатади.

* * *

Ҳаётда ҳамма нарса ҳисобга олинган.

* * *

Энг оғир юк – миннат юки.

* * *

Кўнгилчанлигинг ўзингга зиёну бошқаларга фойда.

* * *

Дунё шаму инсон парвона.

* * *

Бу дунёда вақт энг бепарво.

* * *

Босиқлик ҳам донолик аломати.

* * *

Ҳаётдан эмас, ўзингдан норози бўл.

* * *

Йўлини топган кўнглини топади.

* * *

Текин томошага ҳамма ўч.

* * *

Бировнинг қўлидаги нон ширин туюлади.

* * *

Тўғри эшик излайди, ўғри тешик.

* * *

Осмондан тушган бахт беқадр бўлади.

* * *

Осонига интилган кўпинча оғирига йўлиқади.

* * *

Оғир қисматига кўпинча кишининг енгиллиги сабаб бўлади.

* * *

Қайсарнинг ён бергани – жон бергани.

* * *

Нодоннинг ғалабасидан дононинг мағлубияти афзал.

* * *

Доно имкон қидиради, нодон баҳона.

* * *

Узун эмас, мазмунли умр иста.

* * *

Оила ҳам инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири.

* * *

Кексаларнинг ақлию ёшларнинг ғайрати билан иш қилиш керак.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **12 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4, кундузи – 14-16 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 февралда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-2 46
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2358 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15:30
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ